



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 4 июнь, шанба

№ 45 (11.744)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

4. 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб бошқа барча олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилсин ва ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4 курсларнинг талабалари, 1-иловага мубофиқ белгиланган тартибда таълимни давом эттириш учун Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг минтақавий филиалларига ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мубофиқ тасдиқлансин.

6. Куйидагилар: Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4-ва 5-иловаларга мубофиқ тасдиқлансин.

7. Тошкент Ахборот технологиялари университети филиалларини очиб, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун 6-иловага мубофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

иқки ҳафта мuddатда Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин; Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин; Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

иқки ҳафта мuddатда Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин; Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

10. 2005/2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари амалдари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

қавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрсин.

8. Тошкент Ахборот технологиялари университети бир ой мuddатда таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мубофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Тошкент Ахборот технологиялари университети учун 2005 йилга тасдиқланган бюджет маблағлари микдорига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетида ва янги ташкил этиладиган минтақавий филиалларда таълимни ташкил этиш учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда топширилган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, шунингдек зарур ўқув лаборатория уйсуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2005/2006 ўқув йили бошланишига қадар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда маблағлар ажратилишини қўзда тутсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларига иқтисодий ва қобилиятли ёшларни таллаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабаларга жавоб берадиган юқори маълуми мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида:

1. 2005/2006 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 51175, шу жумладан 19975 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт

асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мубофиқ тақсимлансин; магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 6200, шу жумладан 1500 давлат грантлари ва 4700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар

(Давоми 2-бетда).

Муносabat

Ит ҳурар, карвон ўтар...

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, тўс-тўполон, ола-таъсир ичида жангга отланганимда айни куч-қувватга тўлган, рўзгор тебратиб, жажжи фарзандлар қувончидан баҳра олиб ўшайдиган пайтлар эди. Гул умримни ҳазонга айлантган, ҳаётим лаззатини кесиб, кўнглимни умидсизлик ботқоғига гарқ қилган ўша муҳдиш доғларнинг оти ўсин. Унинг доҳшат ва ваҳимасини ҳеч бир тинч инсоннинг бошига солмасин.

Таассуфки, биз тинчликнинг, сокин, осойишта ҳаётнинг қадрига етмаймиз, кўп ҳолларда нуқулликка борамиз, йўқ ердан муаммо ясаймиз, тутуриқсиз, баландпарвоз

эҳтиёлларимиз ҳусусида оламга жар солиб, айюҳаннос кўтарамиз. Аслида бахтга, омадга, тўкин-соҳин ҳаётга фақат ва фақат пок, ҳалол меҳнат

(Давоми 2-бетда).

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳит куни

Табиатни фарзандларимизга борича қолдирайлик

Ҳар йили 5 июнь барча мамлакатларда умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига асосан 1972 йилда таъсис этилган бу байрам жаҳонда табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўламининг кенгайишига туртки бўлди. Бу санани республика халқи билан биргаликда вилоятимиз аҳолиси, айниқса, табиат посбонлари ҳам кўтаринки руҳ ва муайян ютуқларга эришган ҳолда қутиб олишга оdatланишган.

(Давоми 2-бетда).



ҒўЗА РИВОЖИДАН КўНГИЛ ТўҚ

Юнусхоннинг деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганига 30 йилдан ошди. Айтиш мумкинки, эсини таниганидан бери далада, ер ва пахта билан тиллашиб, сирлашиб ўсди. Нафақат «Бўстон» ширкат ҳўжалиги, балки Бўқа туманидаги энг ёш, шу билан бир вақтда энг тажрибали, энг илгор бригада бошлиқларидан бири сифатида танилганига ҳам анча бўлди. «Бўстон» ҳўжалигининг шартнома режаларини ҳар йили ортиги билан бажаришида у бошқарётган гуруҳ пудратчиларининг ҳиссалари салмоқли.

Бундай дейилишининг сабаби бор, албатта. Биринчидан, Юнусхон Валиев раҳбарлик қилаётган пудратчилар гуруҳи ҳўжаликда энг йилги ҳисобланади. Фақат пахта майдонининг ўзи 57 гектар. 40 та пудратчи оила бутун аъзолари билан сидқидилдан меҳнат қилади. Ҳосилнинг чўғи ва сифати бўйича доимо ҳаммадан илгор. Шу боис, иккинчидан, бошқа пудратчи гуруҳларга намуна. Яъни, уларнинг тажрибаси йил давомида бутун ҳўжаликка

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Москва сайёҳлик ярмаркасида

Москвадаги «Гостинный двор» кўрғазмалар марказида «Сайёҳлик ва дам олиш» 5-Москва халқаро сайёҳлик ярмаркаси илҳосига етди. У Россия Федерацияси Федерал йиғини кўмағида ташкил этилди.

Дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган 637 та сайёҳлик фирмалари ва компаниялари иштирок этган ушбу тадбирда «В мире фантазий» рус сайёҳлик компанияси ва «RUZ-UZ Travel» қўшма корхонаси томонидан Ўзбекистон салоҳияти ҳам муносиб равишда намойиш этилди.

Халқаро ярмарка иши давомида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти мавзусига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди. Халқимизнинг гўзаллиқда ўзига хос ва бетакрор газламалари билан безатилган махсус бўлмада Ўзбекистон халқ амалий санъати махсулотлари тадбир қатнашчилари ва меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Иқтидорли санъаткор Дипором

Долиева ҳамда ёш истеъдод соҳибаси Елена Образцова тайёрлаган маданий дастур тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдириди. Шунингдек, тақдирот чоғида Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-меморий ёдгорликлари ҳақидаги ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди.

Мен Ўзбекистонда туғилганман ва шу пайтга қадар дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлдим, — дейди «В мире фантазий» сайёҳлик компанияси бош директори Марина Саушчина. — Бирок Ўзбекистондек ажойиб, эртакмонанд мамлакатни, Ўзбекилардек очик кўнгли ва меҳмондўст халқни ҳеч қаерда кўрмадим. Шу боисдан ҳам дунёда тенги йўқ ўзбеклар дийёрини имкон қадар кўп равишда тарғиб-ташвиқ этиш бизга ўзгача мамнуният бахш этади.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири.

«Маданий ранг-баранг лик» мавзусига бағишланди

ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Марказий Осиёда маданий ранг-баранглик ва мулоқотлар» мавзусига бағишланган фестивал бўлиб ўтди. Халқ ижодиёти кўрғазмаси, ҳунармандчилик кинофильмлар, ашуло ва рақслар намойиши ҳамда Ўзбекистон бўйича «Давра суҳбати» тадбирлари мазкур анжуман дастуридан жой олди.

Анжумани очар экан, ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура, жумладан, шундай деди:

— ЮНЕСКО нинг «Ипак йўли» ва «Марказий Осиёда динлараро мулоқот» дастурлари доирасида кўп тадбирлар ўтказилди. Тошкентда бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бирида камнама ҳам иштирок этди. ЮНЕСКОнинг Самарқанд ва Улан-Батордаги халқаро институтлари ташкилотимизнинг тарихий ва маданий меросни асраб қолиш бўйича мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, ЮНЕСКО архео-

Вилоят ҳокимлигида

Кун тартибида — болалар ёзи

Вилоят ҳокимлигида болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда касба уюшмалари вилоят кенгаши ва тармоқ касба қўмиталари раислари, оромгоҳларнинг бошлиқлари, бош етакчилари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Оромгоҳларни малакали шифокорлар билан таъминлаш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари, гигиена талабларига тўлиқ риоя этилиши учун етарли шароит яратиш, назорат ишларини кучайтириш, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш каби маса-

ларлар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, оромгоҳларда хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йилги мавсумда режага мувофиқ вилоятда 14 та оромгоҳ болаларни ўз бағрига олиши, 39 та касб-ҳунар коллежи, мактаблар қошидаги оромгоҳларда жами 24 минг 90 нафар бола хордиқ чиқариши кўзда тутилмоқда.

Семинарда ёзги дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга оид аниқ вазифалар белгиланган олинди.

Вилоят ВХАЁТИ

ИККИ ОЙДА ҚУРИЛАДИ

Вилоят ҳокимлигида Олмалиқ шаҳрида барпо этиладиган насос станция қурилиши бўйича тендер савдоси бўлиб ўтди.

Унда 4 та қурилиш ташкилоти ўз тақлифлари билан иштирок этди. «Олмалиққурилиш» масъулияти чекланган жамият тендер савдоларида ғолиб бўлди.

258 миллион 124 минг 277 сўм қийматга эга янги насос станцияси икки ойда фойдаланишга топширилади.

Раваҳан РУСТАМОВ.

Бундай хурсанд бўлмагандим

Республикамиздаги ногиронларга кўмак берувчи «Умр» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими томонидан Чирчиқ шаҳри, Зангиота ҳамда Уртачирчиқ туманларидаги ёрдамга муҳтож ногирон болаларнинг пойтахтдаги «Тошкентлэнд» истироҳат боғига саёҳати уюштирилди.

Шунингдек, «Spartak Stil» қўшма корхонаси болаларга ширинликлар улашди. — Хеч бундай хурсанд бўлмаган эдим, — дейди ўртачирчиқлик Хуршида Юсупова. — Биз каби кўнгли яримларни ёлғизлатиб қўймаётгани учун ҳукуматимизга кечмиз миннатдорчилик изҳор этаман.

Саёҳатдан сўнг «NESTLE» компанияси ва «Истарафшон» хусусий корхонаси томонидан болалар учун байрам дастурхони ёзилди. Шундан сўнг улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга чиқушди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

Барчаси кичкинтойлар учун

Тадбиркорлар Рустам Тожибеков ва Абдуғофур Умаралиевнинг ташаббуси билан Қўрай туманидаги вилоят болалар уйига Тошкент давлат циркидан бир гуруҳ артистлар ташриф буюришди.

Улар болажонлар учун катта цирк томошасини намойиш этишди. Ушбу болалар уйини ўз оталиғи олган Англиянинг «Мерси-Прожект» компанияси ўзининг қимматбаҳо совғаларини тортиқ қилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси, солиқ инспекцияси ҳамда халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида 125 нафар кам таъминланган, кўмак-

ка муҳтож оилаларнинг фарзандларига байрам дастурхони ёзилди. Шундан сўнг улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга чиқушди.

Шу каби тадбирлар туманининг 77-болалар интернат-мактаби ҳамда республика полимиелит шифохонасида ҳам ташкил этилди.

Хуршида МҲМИНОВА.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги фармойиши билан ҳар йили Экология ва саломатлик кулларини ўтказиш янги анъанаси айланди. Бу йил биринчи бошқич Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган эди.

Умумхалқ ҳашарига марҳамат

Иккинчи бошқич эса 2005 йилнинг июнь-август ойларида уюштирилади. Унинг доирасида Жаҳон атроф-муҳит муҳофазаси кўмағида бағишланган санитария, гигиена ва экологик маданият унвонлигини (1-10 июнь) ўтказиш назарда тутилди. Бу чора иссиқ иқлим шароитларида ўткир ошқозон-ичак ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалишини бартафат этиш, уларнинг олдини олиш юзасидан вақтида чоралар кўриш, аҳоли-

нинг санитария-гигиена маданиятини ошириш, ҳамма жойда тозаллик ва тартиб бўлишини таъминлашга қаратилгандир. 4 июнь куни «Соғлом муҳит — соғлом турмуш асоси» шiori остида умумреспублика экологик ҳашар ўтказиш ва тушган маблағни «Экосан» халқаро жамияти ҳисобига, кейинчалик «Сихат-саломатлик йили»га бағишланган тадбирларни амалга оширишга сарфлаш учун ўтказилади.

Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

Олий таълим муассасалари таркибиде ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан болалар спорт мураббийларидан бакалаврлар таълим факультетлари бўйича қабул қилинади;

Олий журналистика курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Олий журналистика курслари битирувчиларига ўқиш якунида "журналистика" мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилди.

4. 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат комиссиясига (Р.С.Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур ўзгаришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

Белгилансинки: Олий журналистика (Давоми. Боши 1-бетда).

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш амалиётини жорий этсин;

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005/2006 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага ҳамда махсус сиртки бўлимларга белгиланган қабул квотасини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Куйидагилар: Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 9-илова;

Вазирилар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 26 февралдаги 88-сон қарори 2-бандининг учинчи ва тўртинчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 июнь.

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳит куни

Табиатни фарзандларимизга борича қолдирайлик

Республика мустақиллиги кўлга киритилганидан кейин, табиатни муҳофаза қилиш масаласига катта эътибор берилди. Дастлаб, табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун қабул қилинди. Бундан ташқари шу мақсадга қаратилган бошқа қатор қонунлар, қарорлар, меъёрий ҳужжатлар яратилди. Уларда табиатни сақлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари белгилаб берилди. 1998 йилдан бери вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятини ана шу ҳужжатларда белгиланган тамойилларга қатъий риоя қилган ҳолда олиб бораётти.

Экологларимиз санат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Шу тўғрйли экологик ҳолатлар жуда ташвишли бўлган қатор ҳудудларда аҳоли бирмунча яхшиланди. Бўстонлик, Бўка, Паркент, Оққўрғон, Қўйчиқчиқ туманлари бу соҳада нисбатан яхши ҳисобланади.

Бирок, Охангарон воҳасида жойлашган шаҳарлар ва туманларда ва Чирчиқдаги экологик аҳоли ҳамон қаноатланарли эмас. Бу ҳудудларда ишлаб турган йirik санат корхоналари атроф-муҳитни энг кўп (Давоми. Боши 1-бетда).

даражада ифлосланган сувлар қарийб уч баробарга камайди. Вилоятнинг барча йirik корхона ва ташкилотларида табиат муҳофазасига оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Аммо, ўрнатилган меъёrlарга ва қонунларга фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан риоя этмаслик ҳолатлари ханузгача учраб турибди.

Домий эътиборда турган муҳим масалаларнинг бири сув таъминотини яхшилаш ва унинг софлигини эриштириш. Вилоятнинг асосий сув манбалари Сирдарё, Охангарон ва Чирчиқ дарёлари бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 481,8 километр. Бундан ташқари, вилоятнинг ҳудудидеги 5 та ерости чуқук сув ҳавзаларидан халқ ҳўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланилади — Чирчиқ, Охангарон, Пскент, Қўқорғон, Далварзин, Чирчиқ ва Охангарон ҳавзаларининг Қўқорғон ва Уртачирчиқ участкаларига алоҳида қўриқланадиган мақом берилган.

Кўмитамиз аҳолини ичимлик

суви ва табиий газ билан таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қўмитанинг маҳаллий жамғармасидан бу тадбирлар учун 37 миллион сўм ажратилди. Чунончи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш нозирлигимиз «қўли эгри» кимсалардан ҳимоялашга муҳтож бўлган ўсимлик дунёси, айниқса, ёғочбоп, қурилишга мўljалланган дарактларни, шифобахш ва ноёб ўсимликларни, турларга осон илинадиган баликлар, ов қуролига нишон бўлаётган ҳайвон ва қушларни муҳофаза қилишда мурасимиз қурша олиб бормоқдалар. Вилоятимиздаги 708 тур шифобахш گیёхларнинг 46 туридан махсус руҳсатнома билан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Тошкент вилояти, минтақа ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарида экологик тарғибот, таълим ва тарбия ишлари шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда барча маҳалла, меҳнат жамоалари, жамоатчилик жамғармалари, халқ таъ-

лими органлари, телевидение, радио ва газеталар таҳририятлари билан узвий боғланган ҳолда олиб бориляпти. Экологик тарғибот ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзуси бўйича туман, шаҳар радиосида 74 та эшиттириш, телевидениеда 43 та курсатув ташкил қилинди, газеталар саҳифаларида 180 тадан зиёд мақолалар босиб чиқарилиди ва 672 дан ортиқ сўхбат-маърузалар ўтказилди. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари билан ҳамкорликда қўша режа асосида экология мавзусида қатор мақолалар чоп этилди. Вилоят, минтақа ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари экологик мавзулар бўйича жойларда қўрик-танловлар ташкил этиш ва ўтказишга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Турғун ИРГАШЕВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Анжуман

Ноёблигига путур етмасин

Инсон омилнинг фаоллашуви табиат ҳаётига кучли таъсир ўтказиб, салбий ўзгаришлар юз бермоқда. Табиат камбағаллашяпти, унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси турлари каймакмоқда.

Айрим хиллари умуман йўқолиб кетди ва қайта тиклаш мумкин бўлмади қолди. Бундай жараённинг олдини олиш учун ҳаракат йил сайин кўчамоқда.

Хозирги вақтда Ўзбекистоннинг қатор табиий ҳудудлари муҳофаза қилинмоқда, уларни асли ҳолида сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш йўлидаги сайё-ҳаракатлар тобора кенгаймоқда. Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси 1 июндан 10 июнга қадар ўтказилаётган «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ун қўмитаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда «Экосан» халқаро ташкилоти мамлакатимизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд-

ларининг ноёблиги ва бетакорролиги, уларни ҳозирги замон ва келажак авлод учун асраб-авайлаш нақадар муҳимлиги ҳақида аҳолини, шунингдек, республика турли идораларини хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистоннинг миллий боллари, экотуризм ва барқарор ривожланиш» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Кўргазма давомида «Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги мутасадди идоралар, қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик фаолияти довомида табиат билан дўст тутинаб яшади, унинг мададига таянди. Техника асри бошлангач эса улар ўртасидаги музоимат секин-аста бўзилат бошлади.

Тўғрироғи, инсон зоти сайёраимизнинг флора ва фаунасида табиий йўсинда кенчадиган эволюция жараёнида биология-билмай, кўр-қўрона аралашиб, кўп ҳолларда эса оқибатини ўйламай, фақат иқтисодий мақсадларни кўзлаб, табиатга таъсир ўтказилди. Натижада, Ер қўрасининг турли минтақаларида экологик муаммолар юзага келди ва афсуски, бу жараён ХХI асрда ҳам давом этмоқда.

Ана шундай умумбашарий экологик муаммолардан бири Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ. Денгиз 473 минг квадрат километр майдонни ўз ичига олган ва 35 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Урта Осиё минтақавий ижтимоий экосистемасининг шимолида жойлашган. Унинг сатҳи 1911-1960 йиллар давомида 53 метр

Орол қайтадан кўз очмоқда

мутлак баландликда бўлиб, балиқчилик ривож топган ўқорлардан бўлган.

Афсуски, собиқ иттифок даврида пахта ва бошқа экин майдонларини суғориш даврида Амударё ва Сирдарё сувларидан тартибсиз фойдаланиш оқибатида мисли қўрилмаган фалокат содир бўлди. Денгиз сатҳи 16 метрдан зиёд пасайиб, сув ҳажми 60 фоизга камайди. Орол чегараси 160 километрга силкиди. Натижада, яна бир катта чўл юзага келди ва ундан кўтарилаётган туз зарралари инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсата бошлади. Ҳатто зарарли моддаларнинг Европа ҳудудларига қадар етиб боргани кузатилади.

Шу боис, Оролни асраб қолиш мақсадида турли жамғармалар ташкил этилди ва улар томонидан хайрият тадбирлар амалга оширилди. Яқинда эса Европарламентда ҳам Орол муаммоси му-

хокама қилинди. Колаверса, денгиз инкирозининг экологик ва ижтимоий оқибатлари ҳақида ҳўжа қиливчи фильмларнинг яратилиши бироз бўлсада, вазиятни ижобий тарафга ўзгариштирди. Яъни, сувнинг камайиши тўхтаб, секин-аста кўпайиши кузатиляпти. Олисларга учиб кетган ноёб қушлар ҳам гала-гала бўлиб ортга қайтишляпти.

Умид қиламизки, Орол денгизимиз билан боғлиқ фожиа қайта такорланмайди ва барчамиз яқин келажакда унинг мавжланиб туришига, бағридаги кема-ларнинг илгаригидек тўхтовсиз сузишига, шунингдек, балиқчилик ҳам қайта ривожланишига гувоҳ бўламиз.

М. ИЛХОМОВ, Тошкент молия институтини доценти, И. ШАРИФХОНОВ, институт талабаси.

Ит ҳурар, карвон ўтар...

орқали, тинчлик, хотиржамлик йўли билан эришиш мумкинлигини тушунишни истаймиз. Эл-юрт тинчлигини асраб-авайлаш, ворисларимизга овоз ва обод ватан қолдириш инсоний бурчимиз эканини унутиб қўямиз...

Она диёримизнинг бир парчаси бўлган Андижон вилоятида содир этилган мудриш воқеалардан таъсирланганда, беихтиёр шундай ўйларга толаман. Шунча хуррезлик кимга керак бўлди, унинг фармонбардорлари қайдаю, ташкилотчилари, ижрочилари кимлар дея ҳайлга ботаман. Ҳайлаб ўйинга етолмайман. Аммо улар тердорчимни, бузғунчимни ё бирор нарсдан алампасдаларимни, бутун бошли миллатни ичидан бузишни, тўзатишни мақсад қилган ёвузларимни, ким бўлмасин, осойишта юртимизга фалокат, фожиа келтиридилар.

Яратган инсонни бошқа жонзоту махлуқотлардан азият муқаррам, суюкли қилиб бошқа этгани ҳақида кўп ўйганмиз. Демак, инсон азиз, унинг ҳаётига, тинчлигига таҳдид солиш, сўмқасд қилиш ў ёқда турсин, жисму ҳонига заррча озор бериш ҳам мумкин эмас. Шундай экан, гаразли манфаатлари, қабих ниётларини рўёбга чиқармоқ учун ўз халқи бошига қулфат келтиришдан тоймайдиганлар дину динбатдан, йлму маърифатдан, пок, эзгу инсоний фазилатлардан йироқ, одамийликни четдаги ҳомийлари ташлаб турган ҳаром лўмқага айлшган, нафс қуларидир.

Андижон воқеаларини эслар эканман, биз қўрган уруш манзаралари ҳаёлимда гавдаланаверди. Қирғинбарот жанг кезлари сафдошларимиз икки душмани асир олдилар. Ички сирларимиз, хуфёна режаларимиздан огоҳ бўлиб улгурган фашистлар вакилини йўқ қилиш керак эди. Қўлда қуролимиз шай, тепки босилса бас. Душман ўз оти билан душман, тирик қолса, бошимизга бундан баттар мусибатлар солиши турган гап. Шу боис, уларни йўқ қилишимиз шарт. Аммо, виждонан айтман, кўз олдимизда турган шу жирканч фашистларнинг ҳаётига чек қўйишда товонимиздан сочимизгача титроқ босган, юракларимиз жунбушга келган.

Биз қўрқоқ эмасдик, қўрқиш ни-

малигини билмаганмиз ҳам. Уруш бизни шундай тарбиялаб қўйганди. Демокриманки, ор-номусимизга, дахлсиз тупроқларимизга таҳдид солган фашистлар олдида ҳам инсоний раҳм-шафқат, одамий тўйғуларимиз бош кўтарган. Энди ўзингиз айтинг, нафси ўпқонини тўлдирйш йўлида ўз халқи, миллати, отанасига қўл кўтарган, сабил жонини сақлаш учун бегуноҳ оломонни тўплаб, ўзига жонли тўсиқ ҳозирлаган тўдани ким деб аташ мумкин? Нахотки, бегуноҳ кетган жонлар, тўкилган қонлар уволи тутгшидан, бир кунни хору зор бўлганларида, виждон қийноғида қолишдан чўчимасалар?

... Боғалик дамларимизда эл-улуснинг мол-ҳолини далада боқиб юрадиган бир мўйсифид бўларди. Унинг асл исмини хали ҳам билмайман. Чўчки, ҳамма «Подачи бува» деб атади. Шу ҳўқисор инсон нуқул босган йўлини қараб, қадамни охишта ташлаб юрар, қўрган одамида бирор нарсасини йўқотиб қўйиб, ахтарайтган мусофирдек таасурот уйғотарди. Ҳеч эсимдан чикмайди, бир сафар бундай паршонлик боисини суриштирганимизда, ул зотнинг айтганларидан роса хайратланганмиз. Бува ердаги ҳашарот, курт-қумурсқа ва ёки бирор чумолини баногоҳ босиб олмаслик, бир жонлининг жонсиз бўлишига сабабчи бўлиб қолмаслик учун қадам санаб юрарканлар...

Ана шунча. Дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби, арзу жавоби бор. Шу боис ҳар қандай ҳолда қадамни билиб, ўйлаб босмоқ керак. Донишмандлар барча амаллар ниятларга боғлиқлигини уқтириб келишган. Тинч, осуда кунларимизга раҳна солиб, онги-шури заиф, содда инсонларни тузоғига илинтириш орқали бегуноҳ инсонларнинг хуни эвазига бўлса-да, мақсадларига эришмоқчи бўлганларнинг ниятлари бузуқ, мағлаблари жирканч эди. Шунинг учун ҳам уларнинг бадниятлари амалга ошмади. Халқимиз, юртдошларимиз осойишта умргузаронликда давом этмоқдалар.

Дано халқ толиб айтган: «Ит ҳурар, карвон ўтар...».

Дадажон БОЗОРБОВ, уруш фахрийси, Дўрмон қишлоғи.

Ватан болалар кўзи билан



Юқоричирчиқ туманида халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан тадбир уюштирилди. Унда 250 нафар болага дастурхон бўзилиб, ширинликлар тарқатилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва боқувчиларининг йўқотган болаларга ҳўмийлар томонидан турли совға-саломлар берилди.

Шунингдек, тадбирда «Ватан болалар кўзи билан» мавзусида суратлар танлови бўлиб ўтди. Танловда ёш мусаввирлар Ватан тимсолини суратларда акс эттирдилар.

Туман маданият уйи қошидаги «Дорбозлар» гуруҳи ҳамда боғча болалари тайёрлаган байрам дастурлари йиғилганларга завқ бағишладди. Тадбир сўнггида тумандаги энг аёл-

чи ўқувчиларга туман ҳўкими томонидан фахрий ёрликлар топширилди. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Мулоҳаза

Юртбошимизнинг биз, ёшларга бўлган эътибор ва ғам-хўрликлари яратилаётган шароитлардан аққол сезилиб турибди. Ҳозир пойтахт ва вилоятда ёшлар учун қанчадан-қанча коллеж, лицей, олий ўқув юрталари қад кўтариб, замонавий асбоб-ускуналар билан талабалар ихтиёрида. Бунга жавобан

Ёшлар учун шароитлар етарли, аммо...

бу уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қийнаб қўяпти. Масалан, лицей ўқувчисини олайлик. У информатика ёки инглиз тилини мактабда яхши ўзлаштира олмаган. Аммо, бу шундай тоифа ўқувчилар олий ўқув юрталарига ўқишга кирмаслиги керак, дегани эмас, албатта. У дарсдан кейин ўқитувчи дарсларни ўзлаштира олмаётганини ҳамда қўшимча дарс

ўтишини илтимос қилади. Ҳўқитувчи ўқувчининг қўшимча дарсга келишига рози бўлади, бироқ солилий ёки ойига фалон сўм талаб қилади. Биз ўзимиз учун яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланишимиз лозим. Базми коллежлар, айниқса, лицейларда компьютер қўшимча дарслар пуллик қилиб қўйилган. Инглиз тили, компьютер

Бизнес сабоқлари

Маълумки, ҳар бир биржа савдо қатнашувчиси юқори даромад олишига ишонди ва турли-туман серҳароқат котировкали активлардан инвестиция хурматига сазовор бўлган энг яхши натижаларни танаб олади.

Биржа тизими таҳлиллари

Аммо, биржа курсларига тўғридан-тўғри ёки қўшимча таъсир қилувчи омилларнинг ҳамма ўзгаришларини ва тўсатдан пайдо бўладиган сабабларини таҳлил қилиш жуда қийин.

Инвестицион активлар жалб этилишини баҳолашга икки хил қараш мумкин. Биринчидан, бозор конъюктураси нуқтаи назаридан олганда, курслар динамикаси текширишда биржа активларининг бозор нархи таҳлил қилинади. Иккинчидан, активлар дарҳол бўлган жаҳда мўлимвий-иқтисодий эмитент аҳолини ўрганиб, шу асосда «ички» ёки чиқди актив нархи келиб чиқди.

Ушбу қарашлар натижаси ўлароқ бозор таҳлилда тарихий икки йўналиш вужудга келди. Биринчи йўналиш тарофдорлари техник таҳлил, иккинчи йўналиш тарофдорлари эса, фундаментал таҳлил мактабларини ташкил этдилар. Фундаментал таҳлил бозор ҳолатларини баҳолашга асосланади ва у тўртта блокдан иборат: умумийиқтисодий таҳлил, жаҳдҳвий таҳлил, эмитент мо-

лиявий аҳоли таҳлили, биржа активлари сифатини текшириш. Ўзбекистондаги қимматли қоғозлар бозорининг тез ривожланиши бозор таҳлилий ўтказувчи инвестицион институтларга бўлган талабни кучайтиради. Ушбу турли-туман ўзгаришларни ва тез-тез тўсатдан пайдо бўладиган сабабларнинг биржа курсларини ўзгариштиришга таъсирини таҳлил қилишда улар техник таҳлилдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, аст ливидлик, кам капитализация ва молия инструментларининг унча катта бўлмаган йиғиндисини асосий муаммолар ҳисобланганини, техник таҳлил биржа бозориде тизимли ва асосланган баҳолар ҳаракати назарияси асосини ташкил этиши, унинг алоҳида индикаторларини қўллаш ўзбек фонд бозори ишлари учун асосланганлиги ҳақидаги хулосаларга келиш мумкин.

Даврон ҚОДИРОВ, Тошкент молия институтини магистранти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

